



ЖУМА МАВЪИЗАСИ  
“28” октябрь, 2016 йил

Усмонхон АЛИМОВ  
“26” Мухаррам, 1438 х.й.

## Ақидада адашмайлик

(динда ғулувга кетишнинг салбий оқибатлари)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Мухтарам жамоат!** “Ғулув” арабча сўз бўлиб, “чегарани бузмоқ, ҳаддан ошмоқ” деган маъноларни билдиради. Шариатда эса, дин ишларида эътибор қилинган миқдордан ҳаддан ташқари ошириб юборишдир.

Диндаги ғулувга кетишнинг энг ёмон тури – етарли илми бўлмаса ҳам Куръонни ўзича талқин қилишдир. Бундан ташқари, Суннатга ўзича амал қилиш ва тўрт мазҳабдан бирортасига қатъий эргашмасликдир. Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, диндаги ғулув кўп ҳолларда динни яхши тушиниб етмасликдан бўлади.

Аллоҳ таоло огоҳлантириб бундай дейди:

لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ غَيْرَ الْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعُوا أَهْوَاءَ قَوْمٍ قَدْ ضَلُّوا مِنْ قَبْلُ وَأَضَلُّوا كَثِيرًا وَضَلُّوا عَنْ سَوَاءٍ



яъни: “Динингизда ҳаддан ошмангиз” ва олдиндан адашган ва кўпларни адаштирган ҳамда тўғри йўлдан чалғиганларнинг хавойи нафсларига эргашмангиз!” (Моид, 77).

Динда чуқур кетмаслик ва қаттиқлик қилмаслик ҳақида Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар:

قال رسول الله ﷺ: "هَلَكَ الْمُتَنَطِّعُونَ، هَلَكَ الْمُتَنَطِّعُونَ هَلَكَ الْمُتَنَطِّعُونَ"

яъни: "Аллоҳ таоло шариатида ҳаддан ташқари чуқур кетувчилар ҳалок бўлдилар" деб уч марта айтдилар.

**Қадрли намозхонлар!** Динда ғулувга кетиш ҳақида сўз юритилганда ақидапараст оқимларнинг ақидавий масалаларда ғулувга кетганлари ва уларнинг хатолари ҳамда бу эътиқодлари соф исломий таълимотларга нақадар зид эканини эсламасдан иложи йўқ. Зеро, улардаги “такфир” (ўзларига эргашмаган ёки диний аҳкомларни тўлиқ бажармаганларни кофирга чиқариш), “жиход” ва “ҳижрат” каби масалаларда ғулувга кетиб мусулмонларнинг покиза номига доғ туширмақдалар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видолашув ҳажидида бундай насиҳат қилганлар:

قال رسول الله ﷺ: "إِيَّكُمْ وَالْغُلُوفَ فِي الدِّينِ، فَإِنهَا أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ الْغُلُوفَ فِي الدِّينِ"

яъни: “Динда ғулувга кетишдан сақланинглар. Чунки сиздан олдингилар динда ғулувга кетиши сабабли ҳалокатга учради” (Имом Насаий ривояти).

**Муҳтарам намозхонлар!** Тарихдан маълум, ғулув катта фожиаларга сабаб бўлган. Ҳозирда ғулувга кетганлар ҳам мусулмонларни куфрда айблаган хаворижлар тоифасига ўхшаб кетмоқда. Мусулмонларни мазкур такфир билан айблаш мусулмон жамиятларида яқинда пайдо бўлган ҳолат эмас. Бундай аянчли амалиёт Ҳазрат Али (р.а.) даврларининг сўнгида юзага келган хорижийлар фаолиятида авжига чиққан эди. Бу тоифа вакиллари инсонлар ўртасида фитна келиб чиқишига сабаб бўлувчи турли саволлар билан мусулмонларга мурожаат этар, ўзлари учун мақбул жавобни бермаганларни «кофир» дея эълон қилишарди.

Шунингдек, улар гуноҳ содир этган ёки диний амалларни бажаришда камчиликларга йўл қўйган мусулмонни куфрда айблаб, унинг қонини ҳалол, яъни ўлдиришни мувоҳ санашган эди. Хавориж ёки хорижий номи айна шу бузғунчи оқимга нисбатан айтилса-да, кўплаб дин уламолари бугунги кундаги илми оз бўлса-да ўзини доно санаб, ўзидан бошқа мусулмоннинг имонига шубҳа билан қарайдиган айрим тоифаларни ҳам «замонамиз хорижийлари», деб атамоқдалар.

Ўзидан бошқаларни кофирликда айблаш ислом дини таълимотига зид экани ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда келтирилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дейдилар: **«Агар бир киши ўз биродарига: «Эй кофир» деса, иккисидан бири ўшандай (яъни кофир) бўлади».**

Гўёки барча мусулмонлар ҳозир қуролли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга “ҳижрат” қилишлари ва қўлида қурол билан “жиход” қилишлари фарз эмиш. Бундай сохта даъволарнинг пуч эканини тасдиқлаш ва аҳолини хусусан, ёшларни улардан асраш мақсадида ушбу тушунчаларга изох бериб ўтсак.

Юртини, ота-онани ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш Ислом таълимотига зид иш ҳисобланади. Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуғ савоб, ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги фарзи ҳисобланса, унга хиёнат қилиш, қурол билан бостириб келиш шу қадар катта гуноҳ, энг олий жазога лойиқ жиноят ҳисобланади.

“Ҳижрат” сўзи луғатда бирор нарсадан ажраш, шариатда эса, Муҳаммад пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васалам)нинг Маккани тарк этиб, Мадинага кўчиб ўтишларидир. Аммо бузғунчи оқимлар етакчилари тинч давлатда яшаб келаётган ёшларни хориждаги жангариларнинг лагерларига жўнатиб, “ҳижрат қилмаган диндан чиқади, ҳижрат учун мусулмонга ота-онанинг рухсати шарт эмас”, каби сохта иддаолар билан алдамоқда.

Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

جاء رجل الى النبي وقال: "أبايُعكَ على الهجرة وتركْتُ أَبَوَيَّ يَبْكِيَانِ، فقال إِرْجِعْ إِلَيْهِمَا فَأَضْحِكْهُمَا  
كما أَبْكَيْتَهُمَا" (رواه أبو داود).

яъни: *Расулulloҳнинг* (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) *ҳузурларига бир киши келиб: “Ё Расулulloҳ, мен ота-онамни йиғлаган ҳолида ташлаб, ҳижрат қилиш учун сизнинг ҳузурингизга келдим”, дейди. У зот эса: “Отанонинг олдига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай хурсанд қилгин”, деб жавоб берадилар* (Абу Довуд ривояти).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: *Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалам айтганлар: “Кўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир. Аллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган киши Худо йўлида ҳижрат қилган кишидир”,* дейилади. Шунингдек, Абу Усмон Мужошиъ ибн Маъсуд ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: *Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалам: “Макка фатҳидан кейин ҳижрат йўқ..”, дедилар.*

Ваҳоланки, ўз юртини ташлаб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юриш, манкурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш айни ислом таълимотига зид ишдир. Инсонларни тинч ва осойишта диёрдан дин номидан қотилликлар ошқора қилинаётган фитна маконларига чорлашдек қабих ишлар ҳеч қачон “ҳижрат” бўла олмайди.

**Қадрли намозхонлар!** Бузғунчи кучлар бугунги кунда “Odnoklassniki”, “Facebook”, “Vkontakte”, “Мой мир”, “Twitter” кабилардан фойдаланишади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар интернетга кирувчиларнинг ўзаро мулоқот қилиш ва маълумот алмашишлари учун жуда қулай воситадир.

Бу кучлар таассубга берилган шахсларни дунёнинг нотинчлик ҳукм сураётган ва ўзлари қўним топган минтақаларига жамлаш ва шу орқали режалаштирилган геосиёсий мақсадларни амалга оширишга интилишяпти. Хусусан, улар илм ва маърифатдан йироқ жоҳил ёшларни Ислом диёри бўлган, азон айтиладиган, жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган, хуллас, Исломнинг беш аркони эмин-эркин адо этиладиган, мусулмонлар тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечираётган Ватанни тарк этишга тарғиб қилмоқдалар. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манкурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш Ислом таълимотига зид экани барчага маълум.

Афсуски, бугунги кунда дин ноқоби остида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишлар, обод шаҳар-қишлоқларни вайрон қилишлар давом этаяпти. Энг ачинарлиси, аксарият ҳолатларда бу урушларга диний тус бериляпти. Жангарилар ўзларига эргашмаган бача мусулмонларни қатл қилиб, аёллар ва болаларни эса кул сифатида сотиш каби қабих ишларга кул ураётгани гувоҳи бўлмоқдамиз.

**Ҳурматли намозхонлар!** Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, фарзандлар эмин-эркин камолга эришади, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Демак, дунёда ҳаётнинг бир маромда давом этиши, халқнинг Ҳақ таоло буюрган ишларини мукамал ва хотиржам адо этишлари учун тинчлик ва осойишталик лозим. Яратган

Парвардигор Куръони каримда ана шу тинчликни сақлаш ва кадрлаш вазифасини инсон зиммасига юклаб, Ислом дини тинчликка тарғиб қилишини, шайтоний йўлларга эргашмаслик лозимлигини таъкидлаб, шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир” (Бақара, 208).

Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, она-Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор. Айниқса, бу таълимотни ёшларимиз, фарзанду набираларимизнинг қалбига мустаҳкам жойлаш барчамизнинг ҳам қонуний, ҳам шаръий вазифамиздир.

Шундай экан бугунги тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етайлик. Халқимизнинг ибораси билан айтганда, Аллоҳ берган насибамизни териб юрибмизми, шу онларнинг қадрига етайлик, тинмай бунинг шукрини қилайлик. Яратгандан бир-биримизга имон мустаҳкамлиги, тинчлик-омонлик, осойишта ҳаёт ва хотиржамлик тилайлик!

Аллоҳ таоло барчаларимизни турли фитна, ғалимислик ва ихтилофлардан узоқ қилиб, Ўзининг рушду ҳидоятидан асло айирмасин. Омин.

*Муҳтарам имом домла! Масжидларда намоз вақтига қатъи риоя этиб, хусусан жума намозини белгиланган вақтдан ўтказмаган ҳолда адо этишингизни ва жума иш қуни бўлганлиги учун намозхонларни кўп ушланиб қолишларига йўл қўймаслигингиз тавсия этилади!*